
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ АЛ-ҚУВАЙТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУВАЙТДАГИ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни кўзда тутган амалий ташриф билан Қувайтда бўлиб турган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегацияси ушбу Форс Кўрфази давлати пойтахти – Ал-Қувайт шаҳрида Ўзбекистоннинг Қувайтдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аюбхон Юнусов билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистоннинг Қувайтдаги элчихонасида бўлиб ўтган учрашув давомида Фарғона вилояти ва Қувайт ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ҳудудлараро муносабатларни янада ривожлантириш, амалга ошириш режалаштирилган инвестицион лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-04-28 13:55:53